



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 9 сентябрь, № 194 (7974)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАР ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИСИ ВА ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари биродар Тожикистон Президенти ва халқини мустақилликка эришилганининг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва равнақ тилаklarини изҳор этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлики, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги шериклики янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси тадбирларига тайёргарликнинг боришини кўриб чиқдилар, шунингдек, Афғонистонда вужудга келаяётган вазият юзасидан фикр алмашдилар.

ШТНинг бўлажак саммити доирасида етакчилар икки томонлама ва минтақа кун тартибидagi масалалар бўйича алоҳида учрашув ўтказиши юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

Хамкорлик

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Шу кунларда Вена шаҳрида Парламентлараро Иттифок томонидан БМТ ва Австрия парламенти ҳамкорлигида ташкил этилган аёл спикерларнинг 13-саммити ҳамда парламентлар раҳбарларининг 5-бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтаётганидан хабарингиз бор.

Ушбу нуфузли анжуманларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги

Ўзбекистон парламенти делегацияси ҳам иштирок этмоқда.



Муҳокама

ҲАВОЛАКИ НОРМАЛАРДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛОВЧИ МОДДАЛАРГАЧА

Сўнгги беш йил давомида юртимизда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва уларга канализация хизматларини кўрсатиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ушбу даврларда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди, давлат дастурлари ишлаб чиқилди, соҳанинг молиявий манбалари аниқланди.

Юртимизда мазкур соҳа “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг айрим дориктив нормалари ҳамда 20 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳамда қатор нормалар ҳавола хусусиятга эга эканлиги, соҳани тизимли тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмагани тўғрисида мамлакатимизда ушбу соҳа фаолияти ривожланган давлатлар даражасидан паст кўрсаткичларда қолмоқда.

Шу сабабли бугун соҳанинг кескин ривож учун ҳуқуқий асос бўлган яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга эҳтиёж пайдо бўлди. Халқаро амалиётда деярли барча давлатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари билан тартибга солинганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу мақсадларда бугун Қонунчилик палатасида “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кенг муҳокамалар асосида тақомиллаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Норма ишқорлигини ривожлантириш концеп-

цияси талаблари асосида ҳаволаки нормалардан холи, тўғридан-тўғри ишловчи моддалардан иборат ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, соҳани ривожлантиришда бюрократик тўсиқларни келтириб чиқарувчи нормалар, хусусан, фаолият йўналишларига лицензиялаш ўрнига шаффоф механизм киритиш орқали жорий этиляпти.

Қонун лойиҳасида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, тегишли давлат органларининг ваколати, хизмат кўрсатиш қорхоналарининг ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланаётди.

Бугунги кунда сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомнинг сустиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келаяётганилиги ҳамда истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний улашиш ҳолатлари кўплаб кузатилаётгани сабабли қонун лойиҳасида соҳада хизмат кўрсатиш ва хизматдан фойдаланиш борасида интизомни тартибга солувчи, ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи нормалар белгиланмоқда.

Лойиҳада истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган,

Мушоҳада

ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Уларга ушбу юсак мукофотлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серқирра ижоди, самарали

илмий-амалий фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун берилди.

Юртдошларимизга кўрсатилган бу эътибор ва ғамхўрлик жонажон Ватанимизда инсон қадри нақадар улуг эканининг яна бир исботи бўлди.



Сенатор ва ҳаёт

Янги Рейтинг Тизими

Куни кеча Хоразм вилоятида Сенат томонидан амалиётга жорий этилган Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилишини рейтинг баҳолаш тизими мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев томонидан ташкил этилган тадбирда маҳаллий Кенгашларнинг ёшлар масалаларига масъул доимий комиссиялари раислари, рейтинг баҳолаш масаласига алоқадор вазирлик ва идоралар вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Семинарда рейтинг баҳолаш тизимининг амалиётга жорий этилиши, унга масъул вазирлик ва

идоралар вазифалари, рейтинг баҳолашга доир маълумотларни тақдим этиб бориш тартиби, рейтинг тизимининг аҳамияти ҳақида атрафли маълумот берилди. Ўз навбатида, иштирокчиларнинг ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Қайд этилганидек, мазкур рейтинг баҳолаш тизими ёшларнинг орзу-умидларини рўйбга чиқариш, улар учун кенг имкониятлар очиш, мутасадди раҳбарлар масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Хоразм вилоятида хизмат сафари билан бўлиб турган Сенат қўмитаси раиси Президентимиз томонидан илмоманида ичимлик ҳамда оқова сув қувурларига ноқонуний улашиш ҳолатларининг олдини олишга ва истеъмолчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида очик, тенг ҳуқуқли механизмлар жорий этилишига хизмат қилади.

Мохира ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Халқ сўзи».



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВЛАРДАГИ ИШТИРОКИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

Кеча Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси тегишли ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномаларни олганидан сўнг сайловчиларнинг имзосини тўплашга киришган эди.

Қайд этиш жоизки, сиёсий партия Ўзбекистон Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаб, жами сайловчиларнинг умумий сонидан камидан бир фоизининг имзосини (тахминан 212 минг имзо) тўплаши керак.

Сайлов кодексининг 38-моддасига мувофиқ, сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли.

Имзо варақаси имзонини тўплашда шахс томонидан ўз фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзоланади, шунингдек, тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари томонидан муҳр босиб тасдиқланади.

Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди

тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юрийтиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига огдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Сайлов кодексининг 39-моддасига асосан, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кунлик муддатда текширилади. Сайловчилар имзолари зарур сонининг камида ўн беш фоизи ва имзо варақаларига имзоларини қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши лозим.

Текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари бир хил микдорда, ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан тенг нисбатда танлаб олинади.

«Халқ сўзи».

Фракцияларда

ОАВда РЕКЛАМА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб “Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Партиянинг сайловолди дастурида шерикликка асосланган кредит-лаш механизмига ўтиш бўйича қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Лекин аллақачон жорий этилиши керак бўлган бу тизимни амалиётга татбиқ қилиш, афсуски, қийин бўлماпти.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда нобанк кредит ташкилотлари томонидан ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий ба-зани яратиш кўрсатиб ўтилган бўлса-да, лекин лойиҳада мазкур соҳа тўлиқ қамраб олинмаганига эътибор қаратди.

Жумладан, лойиҳада ислом та-моийллари асосида молиявий хизмат-

лар кўрсатиш тушунчаси мавжуд эмас. Микроолиялаш фаолиятига жисмоний шахсларни микроқарз суммаси-дан ошмаган миқдорда ёки юридик шахсларни микрокредит суммасидан ошмаган миқдорда ислом тамоийл-лари асосида молиялаштириш бел-гиланган. Бу жисмоний шахсларни микрокредит суммасидан ошган миқ-дорда ислом тамоийллари асосида молиявий хизматдан фойдаланиш им-кониятини чеклайди. Лойиҳада ислом-ий молиялаштиришнинг асосий та-моийллари билан, яъни шериклик-ка пул жалб этиш ман қилинган. Бу нобанк кредит ташкилотларини мо-лиялаш манбасидан маҳрум этади.

— Юрридаги камчиликлардан ке-либ чиқиб, ушбу қонун лойиҳасини ортга қайтармоқчи эдик. Лекин му-

тахассисларнинг тушунтириш-лари билан аниқлашди, қонун лойиҳа-си ислом молиявий хизматларини жорий этишга ҳуқуқий асос бўла ола-ди, — деди фракция аъзоси Нодир Тилаволдиев. — Шу боис қонун лойиҳаси маъқулланди.

Йиғилишда “Реклама тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонун 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги кунга қадар унга 15 марта-ба ўзгартиш ва қўшимчалар киритил-ган. Шундай бўлса-да, унда умумий тусга эга ва ишламайдиган норма-лар ҳамон кўпчилигича қолмоқда. Ре-клама билан боғлиқ муносабатлар тўлиқ қамраб олинмаган. Ваколатлар аниқ белгиланмагани эса кўплаб



ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, жорий йилда 3 900 дан ортиқ номувофиқ рекламалар аниқлан-ган. Дори воситалари, болалар озик-овқатлари, алкогольли ва энергетик ичимликлар рекламасига нисбатан чекловлар назарда тутилмагани боис, энергетик ичимликлар бўйича 13 та, алкогольли ичимликлар бўйича 98 та, тамаки ва кальян бўйича 67 та

реклама талаблари бузилган.

Янги қонун лойиҳасида юқорида-ги камчиликлар тузатилиб, бугунги кун талаб ва тақлифлари билан келиб чиққан ҳолда, ОАВ, мобилъ алоқа тармоқларида реклама жойлаштириш тартиби тақомиллаштирилмоқда. Электрон тижоратда ташқи ва ички рекламалар бериш тартибга солиняпти.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАҚСАДИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Иқтисодиётда микроолиялаштириш воситаларидан кенг фойдаланиш учун нобанк кредит ташкилотларига банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш лозим бўлади.

Микроолиялаштириш қонунчилигини тако-миллаштириш, соҳанинг энг самарали ва замо-навий амалиётларини жорий этиш ҳар қачонги-дан ҳам муҳимроқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбе-

кистон Экологик партияси фракциясининг навбат-даги йиғилишида кўриб чиқилган “Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасида эса соҳада юза-га келаётган муаммолар ечими ўз аксини топган.

Таъкидланганидек, кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асослар-ни тақомиллаштириш, шунингдек, тижорат банк-ларини микроолиялаштириш жараёнига жалб қилиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамай, республикада микроолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини сезиларли даражада кен-гайтиришда бир қатор муаммолар мавжуд.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақ-

сади эса нобанк кредит ташкилотларини ташкил қилиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва фаолият-ини тугатишини ҳамда микроолиялаш фаолият-ини амалга ошириш соҳасидаги муносабат-ларни тартибга солишдан иборат.

Қизгин муҳокамалардан сўнг фракция аъзо-лари қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлифларини билдирган ҳолда, уни қўллаб-қувватладилар.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



6 сентябрь куни Сенат раҳбари Парламентлараро Итти-фок Бош котиби М. Чунгон билан учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистоннинг ушбу ташки-лот билан ҳамкорлиги, кун тартибидagi энг устувор ма-салалар кенг муҳокама қилинди.

Парламентлараро Итти-фок Бош котиби Президент Шавкат Мирзиёев ташаббу-си билан амалга оширила-ётган демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизиз-

ция қилишда парламент ва сиёсий партиялар ролини бундан-да мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларга юқори баҳо берди. Ўз навба-тида, у хотин-қизлар ҳуқуқла-ри, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган Ўзбекистон сиё-сатининг устувор йўналишла-рини қўллаб-қувватлашни билдирди.

Аввал хабар қилингани-дек, жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 14-

саммити 2022 йилда Мар-казий Осиё давлатлари та-рихида ilk бор юртимизда ўтказилади. Бу эса халқро ҳамжамият томонидан ген-дер мувозанатни таъмин-лаш борасида Ўзбекистон кўлга қиритган ўзгаришнинг ўзига ҳо эътирофи сифа-тида баҳоланмоқда.

Учрашувда бўлажак сам-митни ташкилий ва мазмун жиҳатидан юқори даражада ўтказиш бўйича Олий Мак-лиз Сенати ҳамда Парламент-лараро Иттифок котибияти ўртасида яқин ҳамкорлиқни

йўлга қўйиш тўғрисида кели-шувга эришилди.

М. Чунгоннинг фикрича, жорий йилнинг июнь ойида Бухорода муваффақиятли ўтказилган Барқарор ривож-ланиш мақсадларини амал-га оширишда Парламент-лараро глобал ҳамкорлик халқро форуми ва унинг яқинлари бўйича қабул қилинган Бухоро декларация-си бу жараёнларга қонун чиқарувчи органларни бево-сита жалб этиш ҳамда бар-қарор ривожланиш кун тар-тибини янада кенг қамров-

ли, очик ва ошкора бажар-ишга хизмат қилади.

Парламентлараро Иттифок раҳбари Ўзбекистон Олий Мажлисига парламентнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида-ги ролини янада мустаҳкам-лаш бўйича ислохотларни му-ваффақиятли амалга оши-ришда, муҳим ижтимоий ис-тиқодий ва сиёсий-ҳуқуқий вазифаларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш-га тайёр эканлигини маълум қилди.

«Халқ сўзи».

БОЖХОНА ИДОРАЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИЛЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тизим ходимлари учун гендер стратегиясининг аҳамиятини тушунтиришга йўналтирилган қатор семинарлар ўтказиб келинмоқда. Куни кеча ана шундай тадбирнинг навбатдагиси Давлат божхона қўмитасида видеоконференцлоқа тарзида бўлиб ўтди.

Семинар

Семинарда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди. Хусусан, страте-гия эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқла-ри ва имкониятларини рўйбга чиқар-иш учун шароит яратиш ва инсон-нинг фундаментал ҳуқуқларига риоя этиш мақсадида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенглик тарғиботини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Гендер тенгликка эришиш стра-тегияси, узоқ истиқболдаги мақсад-ли вазифалардан келиб чиқиб, қатор устувор йўналишларда амал-га оширилиши, давлат хизматида, ижтимоий-иқтисодий, оилавий му-носабатлар ва болалар тарбияси ҳамда сайлов ҳуқуқларини таъмин-лашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиши ҳам таъкидланди.

Ўз навбатида, йиғилишда гендер стратегиясини амалга ошириш орқа-ли юқори ва қуйи тизимдаги давлат органларининг раҳбарлик лавозим-ларига хотин-қизларни тайинлаш амалиётини кенгайтириш, гендер но-мутаносиблик мавжуд бўлган дав-лат органларида вақтинчалик квота-лаш тизимини жорий қилиш орқали аёллар ва эркаклар ўртасидаги му-таносибликни таъминлаш, асосийси, хотин-қизларга нисбатан таъйин ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиб, жамиятда уларга нисбатан шакланган салбий қарашларга барҳам бериш зарурлиги айтиб ўтилди. Бунга эришиш учун барча ва-зирлик, идора ва ташкилотлар, улар-нинг қуйи тузилмалари ва кенг жа-моатчилик биргаликда ҳаракат қи-лиш талаб этилади.

Тадбирда Давлат божхона қўми-таси томонидан тизимда қатор ижо-бий ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилди ҳамда истиқболда-ги долзарб вазифалар белгилан-ди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугун божхона органларида хизмат қилаётган ходимлар орасида 324 на-фар хотин-қиз ҳам бор.

«Халқ сўзи».



Бу йилги байрамнинг асосий қисми Президентимиз Шавкат Мирзиёев та-шаббуси ва ғояси асосида барпо этилган сўлим ва яшилликда буркан-ган “Янги Ўзбекистон” номидаги муаззам богда нишонланди.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимда нутқ сўзлаб, шундай деди: “Барчамизга аёнки, эл-юрти-миз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшайди. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб кураш-ди, машаққатли синовларни мардо-на енгиб ўтди”.

Президентимиз ушбу машаққатли йўлларни босиб ўтишда халқимиз иро-дасини ҳеч қайси куч енгилмаганига эътибор қаратди, 1991 йил 31 август мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган сана эканини таъкидлаб, та-рихий воқеа рўй берганини фخر ила тилга олди. Шу қундан эътиборан Ўзбекистон мустақил давлат сифати-да дунё харитасида пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари босиб ўтилган синовли йўллар ва йиллар, кейинги даврда кўлга қиритилаётган олам-шумул ютуқларни аниқ мисолларда тахлил қилиб берди.

Бугун янги Ўзбекистон шиддат бил-лан ривожланмоқда. Халқимиз турмуш фаровонлиги ошяпти. Бунинг учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Мам-лакатимиз юксалмоқда ва шунинг ба-робрарида халқимиз, унинг дунёқара-шию онг-тафаккури бирдек юксалиб боряпти. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбе-кистон дунёга янгитдан очилмоқда.

Менинг эътиборимни тортган яна бир жиҳат, бу — парламентга оид бил-дирилган фикр ва ишончдир. Нутқда Президентимиз Шавкат Мирзиёев дав-лат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, мамлакат-ни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент, сиёсий партиялар ролини,

жамоатчилик назоратини қучайтириш-га қаратилган кенг кўламли демокра-тик ислохотлар амалга оширилаётган-нига алоҳида тўхтади.

— Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини, сўз ва виждон эркинлиги-ни таъминлашга алоҳида эътибор қара-тилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу борадаги ишлар ҳам нутқда ўзи-нинг амалий ифодасини топди. Ўзти-бор бериб, республикаимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинган. Узоқ йиллик муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Нутқда ўзи-миз жуда кўп йиллар гувоҳи бўлиб келган яна бир жиддий масалалар ҳам тўхтаб ўтилди. У ҳам бўлса, жигар-ранг паспорт билан фуқаросизлик тамғаси остида яшаб келаётган юрт-дошларимиз муаммоси эди. 2020 йил-нинг ўзига 50 миң нафар ана шун-дай ватандошларимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Ахир бу инсон, унинг қадр-қимматига олий муноса-батнинг ёрқин ифодаси эмасми? Ал-батта, шундай. Бу жамиятимизда ин-соннинг улуғлигини ҳаққондан да-рака!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган оқилона сиёсат ва устувор ислохот-ларни, муродбахш қунарли ато эт-гувчи эзгу ташаббусларни қўллаб-қув-ватлайди. Жамиятда қонун устуворли-гини таъминлаш, халқимиз ва Ватанимиз тақдирига дахлдор қонун-ларни ишлаб чиқишда давом этади. Халқ вакиллари сайловчилар ман-фаатлари йўлида ўз фаолиятини янада тақомиллаштириб бораверади.

Қуйи палата вакиллари бу масъу-لياتни ҳам чуқур ҳис этади. Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спике-ри Нурдинжон Исмоиловнинг шу сана

муносабати билан каттагина мақола-си эълон қилинди. Шу ўринда ушбу мақоланинг мазмун-моҳияти, терани-ги эътирофга лойиқлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Муаллиф бугун мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбар-лигида мисли кўрилмаган ва шиддат-ли ўзгаришлар ҳақида кенг мулоҳаза юритган. Унда, жумладан, шундай сўзлар бор:

“Бугун мамлакатимизда барча со-ҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, демокра-тик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Энг муҳими, фуқаролари-миз онг-тафаккурида кечаётган ўзга-ришлар юртимизнинг қиёфасида инъ-икосини топмоқда. Бундай ўзгариш-ларнинг туб илдизи эса давлатимиз раҳбари илгари сурган Ҳаракатлар стратегиясида ва умуман, сўнгги беш йилда амалга оширилган кенг миқёсли ислохотлардан иборатдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлат ҳокимияти тизимида пар-ламентнинг ролини қучайтириш бора-сида амалга оширилаётган кенг қўла-ли ислохотлар депутатлар корпусида янгила руҳ ва мазмун-моҳият олиб ки-ришни тақозо этмоқда. Шу йўсида де-путатлар корпуси ислохотларнинг том маънодаги ташаббуслари ва маддадо-ри бўлиш учун бор салоҳиятини ишга



солган ҳолда, ўз фаолиятини тақомил-лаштириб бораверади”.

Ўзбекистондаги кўламдор ислохот-лар шак-шубҳасиз, юртимиз тарақ-қиёти, халқимиз турмуш фаровонли-гини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Буни нафақат замон-дошларимиз, балки дунёнинг етакчи сиёсатчилари ва давлат арбоблари ҳам мунтазам эътироф этиб турибди.

Биз, депутатлар сайловчининг ишончини қозониш, унинг дарду таш-вишлари билан яшаш ва мавжуд му-аммоларини ҳал этишда қамарбаста бўлишга аҳд қилганмиз. Шу боис де-путатлар халқ орасида. Улар ҳар ой-нинг охириги ҳафтасида сайлов округида бўлиб, аҳоли билан мулоқотга киришмоқда, кенг миқёсда қўлоб ёзган оламшумул ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказиш йўлида ти-нимсиз изланмоқда.

Шу қунарлар ҳам халқ вакиллари қишлоқ ва шаҳарларда бўлиб қайтиш-ди. Юртимиз жамоли ўзгараётгани ки-шига завқ бағишлайди. Обод бўлган қишлоғи маҳаллалардаги манза-ралар кишини ҳайратга солади. Одам-лар ҳамон мамлакатимиз мустақил-лигининг ўттиз йиллик тантаналари кўтаринки руҳда ўтди, дея мамнуният билан гапириб, Президент нутқидан бир олам таассуротлар олганини ба-рала айтмоқда. Тинчлик барқарор бўлсин, дейишмоқда.

Президентимизнинг мамлакатимиз мустақилли-гининг 30 йиллик маросимидаги нутқи негизини назаримда тинчлик деган тушуна ташкил этди. Зеро, дунёда тиллар пайдо бўлиб, сўзлашув бошланган-дан буён инсонлар ўзаро учрашганда ҳам, хайрла-шаётган чоғи ҳам бир-бирларига, аввало, тинчлик тилайди. Тинчликнинг қадри улғу! Осийишталик бор жойда тараққиёт бир зум тўхтамайди.

Наврўз РИЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДАВЛАТОБОДА ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ



Хабар

Наманган шахрининг Давлатобод туманидаги “Юксалиш” кичик саноат зонасида “Glass-Expo” МЧЖ шаклидаги ойнага ишлов бериш ва қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди.

Мазкур корхона лойиҳасининг умумий қиймати 25 миллиард сўмни ташкил этади. Лойиҳа тўлиқ ҳажм-да иш бошласа, 100 нафар ишчи ўрни яратилади.

Экспорт ҳажми эса ҳозирги ҳисобга кўра 1 миллион доллар-га етказилиши кўзланган. Корхо-

на учун замонавий дастгоҳ, уску-налар Хитой ва Италиядан олиб келинган.

Корхона очилиши муносабати билан ташкил қилинган тадбир-да вилоят ҳо кими Шавкат Абдураззоқов қатнашди.

«Халқ сўзи».

ОНА ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ЭЪТИРОФИ



Камтарона меҳнатга улкан эътибор

Исажон СУЛТОНОВ, “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси” фахрий унвони соҳиб:

Юртимизда барча жа-ҳада туб янгиланишлар, яратувчилик ва бунёдкорлик жараёнлари ҳукм сураётган, оламда эса турли-туман ҳуш-ноҳуш ҳодисалар рўй бериб турган бугунги кунда муста-қиллигимизнинг қутлуг 30 йил-лиги олдида кетма-кет эълон қилинган эътирофлар, тақдир-лашларни, дарҳақиқат, мам-лакатимиздаги бунёдкор-лик, яратувчилик, “Миллий тикланишдан — миллий юк-салиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг кенг қамровли тан-таналари, десак, муболага бўлмайди.

Қатор устозлар, илм-фан намояндлари, элимиз-юрти-миз маънавияти ривожига ўз ҳиссаларини қўшган ижодкор-ларнинг тақдирланиши шу му-қаддас Ватанда рўй бераёт-ган эзгу ва тарихий жараён-ларга жон қўйдириб, чин юрак-дан, фидоикорона ҳисса қўшишга бўлган юксак чор-ловдир.

Давлатимизнинг ушбу эътироф ҳудди мадҳиямиз, давлат рамزلаримиз, миллий давлатимиз қаби муқаддас-дир, бошқача айтганда, инсон умрини безовчи қутлуг бир байроқдир.

Янги Ўзбекистонимизда маънавиятга, адабиётга эъти-бор мисли қўрилмаган янги



даражаларга кўтарилди. Пой-тахтнинг қоқ юрагига Ёзувчи-лар уюшмасининг барча ҳавас қилса арзигулик янги бино-сининг қўрилиб, фойдаланиш-га топширилиши, Адилбон хиббонининг бунёд этилиши, атоқли ёзувчи-шорлар хоти-расининг эъзозланиши билан бир қаторда, ижодкор ёшлар-га бўлган юксак эътибор Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги байрами билан бир-га, давлатимиз раҳбари им-золаган яна бир қутлуг қарор — буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллик тантаналари, шу-нингдек, ҳазрат Навоий номи-даги халқро марказ бунёд этилиши билан уйғунлашиб, жуда катта қўлам касб этди.

Давлатимизнинг бундай юксак эътибори ижод аҳли қатори мени ҳам бугунги ул-кан тарихий воқеаларнинг маз-мун-моҳияти, негизи ва кела-жада кўртимизга олиб кела-диган эзгуликларни, шунингдек, шу тарихий қунарнинг ҳақра-монлари ҳақида ангидан-анги асарлар яратишга илҳом-лантиради, албатта.

Илм бахт ва фароғатга етказди

Шарифа ИСКАНДАРОВА, Фарғона давлат университетининг Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони соҳиб:



— Болалигимиздан китобга ошно бўлиб улғайганимиз. Хо-надримизда мўжазгина қутуб-хона ташкил этилган бўлиб, ақлимизни таниганимиздан бошлаб китоблар энг севишли ҳамроҳимиз, сирдошимизга ай-ланди. Мактабда, олий таълим даргоҳида китобга, илм эгал-лашга бўлган муҳаббат йил сайин сайқалланиб бораверди.

Олима сифатидаги меҳнат фаолиятим, ҳаётимнинг маъ-но-мазмун Фарғона давлат университети билан боғлиқ. Яқин йиллар мобайнида Ўзбек тилшунослиги бўйича 10 на-фардан зиёд шоғирдларим ил-мий ишларини муваффақият билан химоя қилишди. Улар-нинг орасида олима қизлари-миз сафи кенгайиб бораёт-гани жуда ҳам қувонарлидир.

Оиладаги муҳит туфайли икки нафар қизим ҳам илм йўлини танлашди, илмий ун-воларга сазовор бўлишди. Ҳозирги кунда бири ўзим би-лан бир сафда — Фарғона давлат университетига, икин-чи қизим Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида ўқитувчи-лик қилмоқда. Ўстоз, она

сифатида қизларим ва барча шоғирдларимнинг ютуқларидан ҳақли равишда фархланаман.

Дунёда ўқитувчилик энг улғу касблар сирасига кири-тилиши бежиз эмас. Мамла-катимиз тараққиётининг янги босқичида таълим соҳасининг барча йўналиши, хусусан, олий таълимда ҳам ҳаётбахш ис-лохотлар амалга ошириляпти. Баркамол авлод орзуси йўли-даги бу қаби эзгу ташаббус-ларни рўёбга чиқаришда ҳаммиса қамарбастамиз.

Она тили маквекини юк-салтириш, тилимиз равнақи-га хизм

АДОЛАТ ЖАМИЯТ КУЧ-ҚУДРАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛДИР

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган интервьюсини ўқиб чиқарканман, мамлакатимизнинг узоқ тарихидан шу кунгача босиб ўтган шонли йўли бир-бир кўз олдимда гавдаланди. Айниқса, мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик байрами арафасида тараққиёт сари одимлаётган давлатимизнинг барча жабҳадаги ютуқлари, истиқболдаги устувор вазифалар, халқимиз азму шафоати билан амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлари чуқур таҳлил этилгани ўқувчини ўзига жалб қилади.

Муносабат

Мазкур суҳбатдаги воқелик ва жараёнлар мамлакатимиз тарихи, бугуни ҳамда келажagini тўлиқ қамраб олган, десак, айни ҳақиқат. Аждодларимизнинг буқилмас иродаси, маънавий баркамоллиги, юксак илм-маърифати ҳам кенг тараннум этилди.

Мамлакатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” ғоясига алоҳида урғу берган. Чунки бугун жамиятимиздаги ҳар бир жараён янгиланаётир. Интервьюда таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ҳамда ҳамоҳанг бўлиб янграпти, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантиряпти.

Президентимиз бу борада батафсил тўхталиб, шундай дейди: “Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари

асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”.

Яна бир жиҳат. Ўртбошимиз бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар асоси бўлиши — Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини ҳам баён қилади.

Янги Ўзбекистон барпо этилар экан, жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида давлатимиз раҳбари илгари сўраётган адолат ҳамда шаффоқлик тамойиллари тўлиқ акс этади. Негаки, бугун “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “конун устуворлиги”, “очиқлик ва ошқоралик”, “сўз эркинчилиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” каби демократик жамиятга хос ҳаётий заруратлар реал воқеликка айланиб бўлди.

Мамлакатимизда аҳолининг камбағал қатлами билан жиддий шуғулланиш масаласи долзарб вазифаларимиздан

бирига айланди. Барча ислохотда инсон манфаати, фуқароларнинг фаровон турмуш маданияти, эркин ва барқарор жамият устувор қилиб белгилангани ютуқларимизга асос бўлмоқда. Шу боис бугун давлат идораларининг халққа яқинлашиши, ҳар бир бошқарув бўғи-нида адолат тамойили яққол акс этиши талаб қилинаётир.

Бу беҳиз эмас. Чунки адолат жамият куч-қудратини белгиловчи омилдир. Бу ҳам интервьюда батафсил ифода қилиниб, судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик бўлиши кераклиги таъкидланди. Бундай юксак талаб ва вазифаларни теран англаган, ўз масъулиятини ҳис этидиган сенаторлар, депутатлар, ҳокимлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъуллари халқ дарди, унинг муаммоларини бартараф этиш фикри билан яшамокда.

Айниқса, йиллар давомида одамларни қийнаб келган коррупция, мажбурий меҳнат, болалар меҳнати, фуқароларнинг топталган ҳуқуқлари, ишсизлик, камба-

ғаллик каби ҳолатларга барҳам бериш бугунги раҳбарларнинг кунлик вазифасига айланди.

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар негизда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизими татбиқ этилди.

Бугун бу механизм ўзини оқлапти. Жойларда, жумладан, туманимизда ҳам кўмакка муҳтож фуқароларнинг ижтимоий муаммолари шу янги услуб орқали бартараф қилинаётир.

Шу билан бирга, Президентимиз берган интервьюсига миллий кадриятларимизга узвий берилган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш мукам ташаббус”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажакимиз” каби дастурларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бундай кадриятларнинг эъзозланиши тўғрисида халқимиз пандемия шароитида бир-бири билан доимо елкадош бўлиб, меҳр-мурувват кўрсатиб, оғир кунларни ортда қолдирмоқда.



Умуман, интервьюни мутлолақ қилиб, жамиятимиз бугуни ҳамда ёрқин истиқболи тўлиқ акс этганини яна бир бор ҳис қилдик. Ундаги ҳар бир йўналиш барчамизни Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Улугбек ҒАНИЕВ,
Чиноз тумани прокурори.

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар, тизимий ислохотлар амалга ошириляпти. Ушбу сазй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад муҳассам. Албатта, мазкур жараёнларда республикамиздаги энг йирик жамоат ташкилоти — касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ижтимоий ҳимоя

Хусусан, Соғлиқни сақлаш касаба уюшмаси томонидан Тошкент шаҳар кенгаши тармоқ тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломамлигини мустаҳкамлаш каби йўналишларда тизимий ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ушбу тармоқ тизимидаги 212 та ташкилот касаба уюшма хизмати-га олинган бўлиб, уларда 116 минг 524 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

Жамоа шартномаларида белгиланган меъёрлар, ходимлар учун кўзда тутилган имтиёз ва қафолатлар ихросини таъминлаш масаласи тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг доимий диққат марказида. Чунки мазкур локал ҳужжат тизим-даги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ихросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан коронавир- пандемиясига қарши курашда фидойилик кўрсатиб келаятган тиббиёт ходимлари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож соҳа вакиллари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланыпти.

Хусусан, ушбу тоифадаги ходимларнинг 1400 нафар фарзандига янги ўқув йили арафасида “Касаба уюшмалари — болаларга” ижтимоий акцияси уюштирилиб, уларга

турли ўқув қуроллари ва дарсликлар ҳадя этилди. Бу акцияга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, сихатқоҳлар ходимларининг фарзандлари ҳам қамраб олинди.

Олдимизда турган вазифалар қўлами нияҳатда кенг, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гулноза Топшўлатова. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII-қурултойида белгилаб берилган вазифалар ихросини таъминлаш мақсадида кенгашимиз фаолиятида ҳам тубдан тақомиллаштириш ишларини амалга оширдик. Пандемия шароитида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси доимий эътиборимизда.

Шунингдек, соҳа ходимларининг тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этиш, ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг мароқли ҳордиқ қаришларини таъминлаш, турли спорт тадбирлари уюштириш, соғлом турмуш тарзи барқарорлигига эришиш масалаларига ҳам жиддий ёндашилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши ижтимоий лойиҳалар устида иш олиб бораётир. Бу нодавлат тиббиёт муассасаларини тўлиқ касаба уюшма хизмати билан қамраб олиш, уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан иборатдир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

«СПОРТНИ СЕВ, СПОРТ БИЛАН ЯША»

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида “Спортни сева, спорт билан яша” шиори остида спорт-соғломлаштириш тадбири ўтказилди.

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва жисмоний фаоллиқни йўлга қўйиш борасида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти ҳудудий бошқаруви ходимлари томонидан тарғибот ва ташвиқот тадбирлари олиб боришмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини, соғлиқни сақлаш тизими ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида “Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови”, “Спортни сева, спорт билан яша” шиорлари остида ўтказилаётган тадбирлар шулар жумласидандир.

Тадбир доирасида шахмат-шахка, стол тенниси, махсус йўлак бўйлаб югуриш, 5000 қадам йўлак бўйлаб пийда юриш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ғолибларга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бошқаруви томонидан эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундай тадбирлар энди фонднинг шахар ва туман бўлимлари ходимлари томонидан ўз ҳудудларида ўтказилиб, унга аҳолининг кенг қатлами жалб этилади.

«Халқ сўзи».

«ЯНГИАРИҚ» ДАЛА-ЎҚУВ МАЙДОНИ Фойдаланишга топширилди

Яқинда Мудофеа вазирлигининг Шимоли-ғарбий ҳарбий округи тасарруфидаги “Янгиариқ” дала-ўқув майдони фойдаланишга топширилди.

Кулайлик

Тантанали маросимда вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Фарҳод Эрманов сўзга чиқиб, дала-ўқув майдони ҳарбий хизматчилар билим ва амалий қўникмаларини, жанговар тайёргарлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қарийб 4 минг гектар ер майдонида эга бўлган ушбу полигон ҳудуди табиий чўл шароити ва рельефини ўзида муҳассам этиб, жанговар тайёргарлик машғулотларини юқори даражада ўтказиш имконини беради. Бу ерда бир вақтинч ўзида 300 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар билан назарий машғулотларни ўтишга мўлжалланган ўқув би-

нолари, ётоқхоналар, ошхона, турли ўқ отар қуроллардан, гуруҳ ва жанговар машиналардан отиш майдонлари, спорт майдончалари, 2 қаватли марказий қўмондонлик пункти бунёд этилди.

Саф майдони, “Армия биатлони” шаҳарчаси, разведкачилар йўлагини, психологик йўлак, бандаргоҳ ва говвослик йўлагини, муҳандислик, кимёвий қуроллардан ҳимоя, ҳаво ҳужумидан ҳимоя, алоқачилар шаҳарчалари ҳамда турли ўқув нуқталари жанговар тайёргарлик машғулотларини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қилади.

Полигонда барпо этилган



Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Жорий йилда мамлакатимизда кибернетика фанининг асосчиларидан бири, йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулов таваллудининг 100 йиллиги нишонланди.

Жаҳонда бошқарув соҳаси тараққиётида кибернетика илимининг алоҳида ўрни бор. Кибернетика (يونانча kybernetike — бошқариш санъати) — ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда ундан турли жараёнларни бошқаришда фойдаланиш билан шуғулланидиган фан. Бу илим ҳар бир давлатда турли соҳаларда қўлланилади.

Илм-фан фидойилари

Кибернетика илми тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Масалан, буюк ўзбек олими Мухаммад ал-Хоразмий ушбу фаннинг асосчиларидан бири бўлиб, у ўнлик санок системасини ишлаб чиқди. Шу даврда бошлаб, ҳар бир соҳа бўйлабда алгоритмлаш тизими пайдо бўла бошлади.

Давр ўтган сари, математика фанининг ривожланиши физика ва бошқа фанларнинг тараққиёт этиши натижасида кибернетика соҳасида қўлланиладиган техника ҳиҳозлар, яъни ҳисоблаш амалларини бажарадиган механика, кейинроқ эса электроника ёрдамида ишлайдиган ҳисоблаш техникалари пайдо бўлди. Бу фан шундай тезлик билан ривожландики, ҳозирги кунда ахборот техникаси ва технологиялариси тараққиётни тасаввур қилиш ҳам қийин. Бугунги кунда кибернетика фанининг фундаментали ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши натижасида дунёдаги энг юксак иншоотларни барпо этиш, қониноти эгаллашга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш, тез учар ракеталарнинг ишлаб чиқарилиши, Ернинг сунъий йўлдошларини ву-жудга келтириш, инсониятнинг Ойга ва сайёраларга учими юз берди. Бугун инсоният космосни ўрганиш ва уни эгаллаш учун жуда катта куч сарфламоқда. Натижада сунъий интеллект соҳасида янги қўриқлар очилмоқда, янгидан-янги роботлар яратилмоқда ҳамда тараққиётнинг барча йўналишида янги-янги каш-фитлар амалга оширилмоқда.

Бугун табиятда мураккаб жараёнлар юз бермоқда. Глобал пандемия сабаб турмуш тарзи мураккаблаш-

бошқаруви” лабораторияси ташкил этилди. Бу ердаги илмий тадқиқотлардан асосий мақсад — социал соҳаларда кибернетика усулларини яратиш, яъни социал-кибернетика орқали Ўзбекистонда социал ҳамда социал-иқтисодий жараён ва тизимларни илмий асосда бошқариш эди. Лабораторияда ёш ва қобилиятли 30 дан зиёд мутахассислар шакллантирилди. Уларнинг ҳар бири катта илмий салоҳиятга эга бўлиб, нафақат Ўзбекистонда, балки Европа мамлакатларида, Россия, Болтиқбўйи давлатларида таълим олган эди.

Лабораторияда қўллаб ишлар қилинди, социал моделлаштириш, социал технологиялар яратиш бўйича улкан тадқиқотларга қўл урилди. Жумладан, Восил Қобуловнинг раҳбарлиги остида ҳудудлар, яъни туман, шаҳар, вилоятлар бошқарувининг илмга асосланган дастурлари яратилди. Бу ишлар овоза бўлиб, ҳудудларини бошқаруви раҳбарлардан институтга буюртма-мувожаатлар туша бошлади.

Жумладан, Ангрен шаҳрининг ўша вақтдаги раҳбари Анвар Саидов ўзининг бошқарувдаги шаҳарнинг 20 йиллик социал-иқтисодий ривожланиш дастурини яратиш бўйича мувожаат қилди. Шартнома тузилгач, ишлар қизғин бошланиб кетди. Восил Қобуловнинг ўзи бу ишга раҳбар бўлди. Ўша вақтларда “Социал-иқтисодий жараён ва тизимларнинг бошқаруви” лабораторияси мудири сифатида у кишига кўмакдош бўлганимдан қамном фахрланаман. Илмий лаборатория ходимлари икки йил давомида Ангрен шаҳрида фаолият олиб борди. 1970 — 1972 йилларда катта илмий ишлар натижаси ўлароқ, Ангрен шаҳрининг 20 йилга мўлжалланган социал-иқтисодий ривожланиш дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур 55 йилдан иборат бўлиб, ҳар бир йилда Ангрен шаҳрида фаолият кўрсатаётган қорхоналарнинг ишлари аниқ математик ҳисоб-қисобларга асосланган ҳолда, режалар ишлаб чиқилган эди. 20 йил ичида ҳар бир қорхонадаги ўзгаришлар мўддатлари кўрсатилган ҳолда, аниқ ва равшан қилиб белгиланганди. Шу билан бирга, Ангрендаги бошқа ижтимоий, маданий, таълим каби соҳаларда кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам аниқ режа ишлаб чиқилганди. Албатта, барча ҳисоб-қисоблар асосида Ангрен шаҳри аҳолисининг демографик тараққиётни ётарди. Умуман олганда, улар-

Мавсум



Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳам ўзига хос масъулиятни талаб этадиган жараён. Негаки, бу мавсумда ҳосил йиғиб-териб олиниши баробарида, йил бўйи қилинган меҳнатга баҳо берилади-да. Айни пайтда республикамиздаги айрим фермерлар далаларида пахта теримига киришилган бўлса, баъзиларида пахта тайёрларлик қўрилмоқда.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасида тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари ҳамда уюшма тизимидаги 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари иштирокида видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбир ҳам айни шу масала — жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумини ушшоққилик билан ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нест-нобуз қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олиш масалаларига бағишланди. Мавсумда юзгага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, теримчи ва ҳашарчиларга етарли шарт-шароит яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари муҳокама этилди.

Теримга кимлар жалб қилинади?

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Саъдулла Тожиёвнинг маълум қилишича, бу йилги пахта йиғим-терим мавсумига пахта тайёрларлик қўрилди.

Мавсумда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда пахта терим марказлари ташкил этилмоқда. Теримга, асосан, пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда фермер ҳўжаликлари ишчилари,

шунингдек, муайян меҳнат билан банд бўлмаганлар ва кўнгилли ҳашарчилар фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида жалб этилади.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан пахта теримида қатнашадиган теримчилар, терим отрядлари ва отряд раҳбарлари рўйхати шакллантирилиб, электрон база яратилади.

Карантин талаблари асосида олиб борилади

Бу йилги пандемия шароити инobatта олинган ҳолда, ҳар бир терим отряди таркибида теримчилар сони 70 нафардан оширилмайдиган. Улар учун иссиқ овқат ташкил этилиб, тиббий хизмат, кўча савдо, маданият ва маиший хизматлар ҳам йўлга қўйилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўмағида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларига республиканинг бошқа ҳудудларидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва хусусий бандлик агентликлари

Ҳар беш кунда пул берилади

Жорий йилда қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун биринчи теримда **1 200 сўмдан**, иккинчи теримда **1 500 сўмдан** кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлаш белгиланди.

Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг барча туманларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чекка туманларида теримчиларни қўшимча жалб қилиш мақсадида қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун республика бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан 230 сўмдан устама ҳақ тўланиши таъминланади.

Шунингдек, кластерлар ўзларига бирикти-

рилган ҳудудларда терим пулини мустақил белгилаш, яъни тавсия этилаётган нархлардан юқори миқдорда ҳақ тўлашлари ҳам мумкин.

Пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хом ашёсини териб олиш учун йиллик 14 фоиз ставкада кредит ажратиш мақсадида олти ой муддатда қайтариш шарти билан “Агробанк” АТБ депозитига 1,6 трлн. сўмгача маблағлар ажратилган. Терим пулининг ҳар беш кунда, дам олиш кунларига тўғри келишидан қатъи назар, далаининг ўзида ҳизмат кўрсатувчи банд вакили томонидан тарқатилиши белгиланган.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

си қайта оёққа турмоқда. Машҳур олим Восил Қобулов раҳбарлигида қўз олган кибернетика соҳаси ва инсти-туту бугун ҳам мавжуд бўлганида ахборот техникаси ва технологиялари соҳасида беш дунёда олдинги ўринларда бўлар эдик. Сунъий интеллект, роботлаштириш ва бошқарувдаги барча рақамлаштириш ишлари бугун юқори даражада фаолият кўрсатаётган бўлар эди.

Имом Бухорийи бобомизнинг му-борақ китобларида “Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмаган” деган пурма-ийно ҳикмат келтирилади. Ушбу ҳадис маъносидан англаш мумкинки, бу дунёда ҳам, охирадга ҳам инсонга илмдан кўра кўпроқ фойда келтира-диган нарсга йўқ.

Шу маънода, бир илмий ходим сифатида ишонч билан айта оламанки, Фанлар академияси тизимида Кибер-нетика институти қайтадан ташкил қилинса, мамлакатимизда ахборот технологиялари фундаментали ва амалий жиҳатдан янада ривожланган, бу Ўзбекистон тараққиётига хизмат қил-ган бўлар эди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудиди, тармоқларида ва қорхоналарида бир-бири билан интеграллашган ҳолда, илмий ҳисоб-қисобларга ва рақамлаштиришга асосланган 10, 15 ва 20 йил му-датга мўлжалланган ривожланиш дастурларини ишлаб чиқариб бугун ҳам долзарб. Зеро, бу дастурлар Ўзбе-кистон иқтисодиётининг бир бутун ти-зимини шакллантириб беради.

Жамиятнинг ҳамма бўғинларида — оила, маҳалла, қорхона, шаҳар ва бошқаларда рақамлаштирилган, ки-бернетикалаштирилган тизим яратилса, коррупция ҳам йўқолади, халқи-мизнинг маънавий қиёфаси ҳам за-мон даражасига кўтариларди. Зеро, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар би-рида сиёсий, ижодий, диний ва бошқа билимларнинг барчаси мўжас-сам бўлиши шарт. Билимли жамият эса барча оғир муаммоларни ҳал қилишга қодирдир.

Шу ўринда яна бир таъкиф. Ўзбекистонда илм-фаннинг буюк олимлари хиббони ташкил этилса ва бу маскандан Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ҳамда бошқа қомусий олимларимиз қаторида замонамизнинг атоқли илм-фан намояндалари — Ҳабиб Абдуллаев, Восил Қобулов каби олимларнинг ёдгор-ликлари ҳам ўрин олса, мақсадаг мувофиқ бўларди. Уларнинг шод руҳи, бе-баҳо илмий мероси учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан дадил бораётган замондошларимизга маънавий куч-қудрат бахш этади.

Нуриддин АЛИҚОРИЕВ,
Мирзо Улугбек номидagi Ўзбекистон Миллий университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

Сурхондарё қишлоқ хўжалиги:

КАМЧИЛИК ВА МУАММОЛАР БОР, ЕЧИМ-ЧИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташифи даврида ҳудудда аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиб, бу соҳадаги ютуқлар, камчиликлар ва истиқболдаги вазифаларга алоҳида тўхталган эди. Хусусан, Ўзбекистон жануби, яъни Сурхондарё вилояти экстремал иқлим шароитига эга бўлганлиги ва аграр соҳада ўзига хос қийинчиликлар мавжудлиги сабабли Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали негизда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини ташкил этиш тўғрисида таслиф берганди.

Таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилоятида аграр соҳа фанида кейинги йилларда маълум ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, пахтачиликда “стресс ҳолат”ларга, шўрга, сувсизликка чидамли, серҳосил ва эртапишар, ингичка толали “Термиз 202”, “Термиз 208”, “СП 1603”, “Сурхон 16”, “Сурхон 14”, “Сурхон 18” каби гўза навлари яратилди. Бу навлар ҳозир вилоятимизнинг 9 минг гектар майдонида етиштирилмоқда. Ўрта толали гўзанинг “Шеробод ШН”, “ЎзПИТИ 1604”, “ЎзПИТИ 1602” навлари ҳам яратилган бўлиб, улар серҳосиллиги, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилиги билан ажралиб туради.

Нуктаи назар

Шунингдек, вилоят деҳқонлари гал-лачиликда катта ютуқларга эришган бўлиб, улар 2021 йилда кузги бурдойдан 70 — 80 центнергача дон ҳосили олишга эришди.

Лекин, айтиш керакки, гўза ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, пахтачиликда узок йиллар давомида тупроққа ишлов беришда тавсия қилинган маҳаллий ва минерал ўғитлар қўлланилмасдан ер ҳайдашнинг сурункали давом этиши тупроққа гумус қатламнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мавсумда қўлланиладиган минерал ўғитларнинг ўсимлик томонидан ўзлаштириш самарасини пасайтиради.

Тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва минерал ўғитлар самарасини ошириш учун кузда керакки органик озукларни чиқариб, тупроқнинг механик таркибига кўра (енгил, ўрта ва оғир тупроқ) ишлов бериш учун махсус агрегатлар билан сифатли шудгорлашни йўлга қўйиш керак бўлади.

Экинларни минерал озиклантиришдаги азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбатларига тўлиқ амал қилинмаётганлиги ҳамда кўпроқ азотли ўғитларнинг ўзи сурункали равишда қўлланилиши тупроқда диспергация жараёнини кучайтириб, гумус таркибидagi биологик азотнинг парчаланиб кетишини юзага келтираётган ҳамда минерал ўғитларнинг самарадорлигини камайитириб юбормоқда.

Бунинг учун гўза ва гўза мажмуидаги экинларни мавсумий минерал озиклантиришда навлар биологияси ва тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳамда озиквий элементлар билан таъминланганлик даражасига кўра азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбатларини 1: 0,7: 0,5 сақлашга қатъий амал қилиш зарур.

Сурхондарё вилоятида пахтачиликда кўплаб турли гўза навларининг бир хўжалик ёки бир-бирига яқин дала-

вилоятда уруғчилик марказини ташкил этиб, айнан уруғчилик билан соҳа мутахассислари шуғулланишини таъминлаш ҳамда назоратни кучайтириш лозим.

Пахтачиликда ҳар бир жиҳат ҳисобга олиниши лозим

Сурхондарё вилояти тупроқ иқлим шароитига кўра шимолӣй ва жанубӣй ҳудудларга бўлинади. Шу сабабли бу ҳудудларда пахтачиликда ўзига мос бардошли, тезпишар ҳамда ўрта тезпишар, янги ингичка толали гўза навларини парвариш қилувчи майдонларни кўпайтириш зарурати мавжуд. Ҳудудларнинг тупроқ иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда гўза навларини экиш муддатларини жуда тўғри белгилаш керак.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда мелиоратив ҳолати оғир, турли даражада шўрланган тупроқларда бир валентли катионларнинг, айниқса, натрий катионининг кўпайиб кетиши ва минераллашганлик даражаси юқори бўлган сизот сувлари сатҳининг кутарилиши экинлардан тўлиқ кўчат олиш ҳамда мавсумий минерал озикланиш самарасини кескин камайитириб юбормоқда. Шунинг учун бундай ерларда очик ва ёпиқ коллектор ҳамда дре-нажларнинг мунтазам ишлашини ташкил этиш, кимёвий мелиорация талаб бўлган жойларда уни ўтказиш, тупроққа табиий мелиорантларни қўллаш, йил давомида тупроқ сизот сувлари сатҳи ва минерализациясини кузатиб бориш ва тупроқ қайта шўрланишининг олдини олиш чора-тадбирларини қўриш керак.

Экинларни суғоришининг янги инновацион технологияларини, хусусан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларни қўллашни тақозо этмоқда. Суғоришининг бу усуллари не-

дорлик ҳолатига кўра ва айниқса, азот тўловчи ҳамда кўп миқдорда илдиш ва анғиз қолдирувчи экинларни экиш, сидератларни кўпайтириш даркор. Уларни суғоришни эса экин турларига қараб илмий асосда ташкил этиш зарур.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган корхоналар кўп

“Шеробод агро макс” МЧЖ, “Gold agro fresh” МЧЖ каби замонавий ишлаб чиқариш, дастлабки қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ҳамда экспортга чиқаришга бўлган жараёни тўлиқ қамраб олган корхоналар вилоятда кам эмас. Улар фаолиятини оммалаштириш жуда катта самара бериши аниқ.

Вилоятда сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 7 та, кўнатиликка ихтисослаштирилган 2 та кластер ташкил этилган. Ташриф жараёнида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” таъмоили асосида 86 минг хонадонда сабзавот, кўкатлар, 72 минг хонадонда картошка, 36 минг хонадонда узум, “Шеробод тажрибаси” асосида 43 минг хонадонда анор етиштиришни ташкил қилиш топшириғи берилди.

Вилоятдаги илмий-тажриба станциялари олимлари томонидан мева ва сабзавот экинларининг янги нав ҳамда дургаайлари яратилиб, ишлаб чиқариш тавсияси этилган. Сурхондарё олимлари томонидан сабзавот экинларининг 35 дан ортиқ навлари яратилиб, давлат реестрига киритилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган, бу навлар вилоят иқлим шароитига мослиги, ҳудудда кенг тарқалган касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, экспортбоплиги янада қувонарли.

Шу билан бирга, мева-сабзавотчиликда бир қатор муаммолар мавжудки, уларни ҳал этиш соҳанин янада самарали бўлишини таъминлайди. Хусусан, кейинги йилларда асосий сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги бўйича тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, бу борада тизим йўқлиги туфайли улар кенг миқёсда жорий этилмаётти. Шунинг учун республикада ва вилоятимиз учун икти-содий аҳамиятга эга бўлган асосий сабзавот экинлари селекцияси, уруғчилиги ва уруғшунослиги бўйича кенг қаровли тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Шу пайтгача уруғчиликни илмий усуллар асосида ташкил этиш, замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва махсус инфратузилмага эга бўлган уруғчилик хўжалиқларини йўлга қўйиш жуда катта муаммо. Оқибатда иссиқхоналарда етиштирилаётган нав ва дургаайлар уруғи тўлиқ, очик дала-ларда етиштирилаётганларники эса 60 — 70 фоизи хориждан олиб келинмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун

Шунинг учун Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида селекция, уруғчилик ва уруғшунослик соҳалари бўйича ёш кадрларни мақсадли тайёрлаш, олий таълимдан кейин уларнинг магистратура ва докторантурада таҳсил олишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда малакасини оширишни амалда йўлга қўйиш зарур. Яратилган ҳар бир янги нав ва дургай учун селекционер олим, айниқса, ёшлар моддий рағбатлантирилса янада яхши.

Генофондни сақлаш — энг муҳим вазифалардан бири. Акс ҳолда, биз маҳаллий навларни бутунлай йўқотиб қўйишимиз хавфи жуда катта. Шунинг учун ҳар бир илмий-тадқиқот институти, олий таълим муассасаси, тажриба станцияси қошида маҳаллий, селекционер нав, тизма, шаклларни сақлаш, кўпайтириш мақсадида генбанклар ташкил этиш мақсадида мувофиқ, Ваҳоланки, бундай генбанклар Россия, АҚШ, Хитой ва Европа мамлакатларида яхши самара бермоқда.

Яна бир гап. Сурхондарё вилояти иқлими иссиқхона ва очик майдонларда эртаги сабзавот етиштириш бўйича катта имкониятга эга. Аммо инфратузилманинг йўқлиги, ишлар турли йўлга қўйилмаганлиги туфайли аҳоли ва фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар (кўкат, сабзавотлар, қишки ва плёнка остида етиштирилган оқбош қарам ва бошқалар) исроф бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ялпи ҳажмининг 45 фоизи чорвачилик ҳиссасига тўғри келади

Чорвачилик — аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқ бўлиб, у республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ҳажмининг 45 фоизини ташкил этади.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан соҳа ривожини кўриб қилинган иккита муҳим ҳужжат — “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Негаки, мазкур қарорлар билан чорвачилик соҳасига берилган имтиёзлар эъзизга тежалган маблағлар наслчилик ишларини яхшилашда ва маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ҳисобига қатор иқобий натижалар бермоқда. Республикада ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик фермер хўжалиқларини ривожлантириш, насл ядросини шакллантириш ва кенгайтириш, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 2020-2021 йиллар мобайнида четдан 108 686 бошдан ортиқ насли урғочи моллар импорт қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги “Сурхондарё вилоятида қорабайир зотли отларни етиштириш ва оммалаштириш ҳамда от спорти турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бундай зотли отларни кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қорабайир отларини сақлаш ва сифатли ветеринария хизматини кўрсатиш ишларини яхшилаш, ушбу зотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 2,5 млн. бошдан кўпроқ қорақўл зотли ва гўшт-ёғ йўналишидаги қўйлар боқилмоқда. Лекин кўплаб хўжалик ҳамда аҳоли хонадонларида наслчилик ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли жайдари қўйларнинг сони ортиб бораётти. Қорақўл, жайдари, хисори зотли қўйларнинг насл, пўшдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятини янада такомиллаштиришда уларни сунъий қочириш ишларини

йўлга қўйиш лозим. Вилоятнинг тоғли ҳудудларида қўйчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар сонини кўпайтириш ва яйловлар майдонини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Чорвачилик тармоқларини ривожлантиришда наслчилик ишларини турли йўлга қўйиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда илм, фан ва инновацион лойиҳалардан кенг қўлдан фойдаланиш самарадорлиқни оширишга хизмат қилади.

Бошқа тармоқлар-чи?

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам шунга ўхшаш масалалар мавжуд. Масалан, ипакчиликда бугун пилла етиштириш ва ундан олинадиган тола миқдорини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Саноат шароитида Б. А. Астауров, В. А. Струнников услуби асосида фа-



кат эркак жинсли қуртларни ажратиб олиш ва боқиб ҳеч қандай ортиқча меҳнат ҳамда озиқ сарфламаган ҳолда боқилаётган популяцияга нисбатан 20 фоизга яқин қўшимча ипак маҳсулоти олишни таъминлайди.

Ўсимликларни химоя қилиш бўйича гўза майдонларида беда қандалиси, ўргимчаккана, шира, трипсларга қарши кураш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу зараркунандаларга қарши курашишнинг агротехник, биологик ва кимёвий уйғунлашган кураш чора-тадбирларини амалга оширишни йўлга қўйиш керак. Ушбу зараркунандаларга чидамли нав ва дургайлар яратиш уларга қарши курашнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали йўлидир.

Шунингдек, катта майдонларда экиладиган сарик ва кўнгрин занг ҳамда қорақуя замбурғу касалликларига қарши ўсув даврида — 20 февралдан 10 мартгача тавсия қилинган фунгицидлар билан профилактик ишлов бериш жуда яхши натижа келтиради. Хасва ва шиллиқ қурт каби хавфли зараркунандаларга қарши апрель ва май ойлари бошида инсектицидлар билан ишлов бериш самарали ҳисобланади.



Абдуғаффор ЖҲҲАЕВ, Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

Андижон туманида “Андижон дори воситалари тиббий буомлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш” шўъба корхонасининг янги маъмурий биноси ҳамда халқаро стандартлар талабига мос келадиган замонавий илмий ва синов лабораторияси фойдаланишга топширилди.

Тиббиёт



— Андижон вилоятида дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди тadbирда сўз олган вилоят ҳокими Шўхрат Абдурахмонов. — Бу бугун фойдаланишга топширилаётган лойиҳага сабаб бўлди. 3 минг АҚШ доллари қийматидаги мазкур ла-

боратория республикада ишлаб чиқарилаётган дори воситаларини сифат назоратидан ўтказиш имкониятини яратди.

Ушбу лабораториянинг ишга туширилиши натижасида 100 та янги иш ўрни барпо этилди.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБЎЙИ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Терапия факультети бўйича:

- Фтизиатрия кафедраси мудири;
- Пульмонология кафедраси ассистенти;
- Эндокринология кафедраси ассистенти;

Педиатрия факультети бўйича:

- Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедраси ассистенти;
- Неонатология кафедраси ассистенти;

Хирургия факультети бўйича:

- 1-Стоматология кафедраси ассистенти;
- Хирургик стоматология кафедраси ассистенти;
- Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси ассистенти;
- Ультратовуш диагностика кафедраси ассистенти;
- Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси доценти;
- 1-Хирургия кафедраси ассистенти;
- Шошилиш тиббий ёрдам кафедраси ассистенти;
- Офтальмология кафедраси ассистенти;
- Травматология кафедраси ассистенти;

Тиббий профилактика факультети бўйича:

- Юқумли касалликлар кафедраси мудири;
- Эпидемиология кафедраси доценти;
- Клиник лаборатор диагностика кафедраси ассистенти;
- Нейрореабилитация кафедраси доценти;

Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети бўйича:

- Нейрохирургия кафедраси ассистенти;
- Оилавий тиббиёт кафедраси ассистенти; стажер ўқитувчи;
- Ҳарбий тиббий экспертиза курси ассистенти.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел.: 71-267-60-74.

Маҳаллий навларнинг афзаллиги нимада?



Вилоят иқлими кескин континентал ва қуруқ. Бироқ экилаётган бурдойнинг 95 фоизи Краснодар селекциясига мансуб қилтиқсиз, вегетация даври 210 кундан кўп бўлган ярымқасана, интенсив типдаги юқори агрофонда ўсишга мослашган навлар ҳисобланади. Булар, асосан, апрель ойида бошоқлаш-гуллаш фазасига кириди ва сут-мум пишиш даври

бошланади. Айнан шу даврда вилоятимизда ҳавонинг ҳарорати 35 — 40 °С гача кўтарилиб, ҳавонинг нисбий намлиги кескин пасаяди. Натижада бошоқдаги донлар шаклланиш даврида физиологик жиҳатдан тўлиқ етилмасдан пуч бўлиб қолади. Дон сифати ҳамда салмоғи пасаяди.

Шунинг учун маҳаллий шароитда яратилган “Ҳозгон”, “Ҳазрати Башир”, “Ясарм”, “Туркистон”, “Бобур”, “Чиллаки”, “Ҳисорак” ва “Термиз-5” каби навларни экиш мақсадга мувофиқдир. Чунки булар вегетация даврининг қисқалиги, экстремал ҳолатлар ва касалликларга чидамлилиги, ҳосил сифат кўрсаткичларининг юқорилиги, шўрланган тупроқ ва шартли суғориладиган майдонларда ҳам режадаги ҳосилни бера олади. Шунингдек, Краснодар селекциясига мансуб навларга нисбатан минерал ўғитлар ва сувни 25 — 30 фоиз кам талаб қилади. Шундай экан, маҳаллий навларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш даври келмадимикан?

ларда экилиши уларнинг ўзаро чатишиб, навдорлиғи пасайиб кетишига, шунингдек, тупроқ-иқлим шароитига мос янги яратилган гўза навларининг, айниқса, экстремал шароитларга бардошли ингичка толали навларнинг экин майдони кенгайтирилмаётганлиги юқори ҳосил олиш имконияти екла-нишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, мавжуд элита ва уруғчилик хўжаликлари сара уруғ тайёрлаб беришда ўзини оқлай олмаётти. Уларда уруғ тайёрлаш услубиятларига яхши амал қилинмади. Мутахассислар етишмайди. Шунинг учун

чоғли фойда бериши эса аллақачон исботланган.

Такрорий экин яхши, лекин...

Вилоятда сўнгги йилларда кузги бурдойдан кейин такрорий ва оралиқ экинлар парваришида тупроқнинг озик-касига ҳамда сув режимига эътибор берилмаётти. Бу эса тупроқнинг гумус қатлами кескин ювилишига ва тупроқ структураси бузилишига олиб келмоқда. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш учун тупроқнинг унум-

уруғчиликларни етиштириш, уруғларни йғиш, қуритиш, тозалаш, калибровка қилиш ва қадоқлаш жараёнини замонавий ускуналар асосида амалга ошириш имкониятига, замонавий инфратузилмага эга бўлган, юқори малакали кадрлар билан таъминланган уруғчилик марказлари очилиши лозим. Бундай марказларга камидда 60 — 100 гектар ер майдонлари ажратиб берилиши керак.

Яна бир муҳим муаммо. Мақсадли равишда селекционер олимлар, уруғчилик ва уруғшунослик соҳасида фаолият кўрсатиш учун ёш кадрлар тайёрлашни кўпайтириш эҳтиёжи мавжуд.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўлушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбўтчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукоров. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.
--

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.45 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6